

ДАНҒАРА ТУМАНИ ҲОКИМИ ОРОЛ ҚИШЛОҒИДА

Истиқол МФЙ худудида жойлашган Орол қишлоғи туманнинг энг чекка ҳудудларидан бири ҳисобланади.

Ушбу қишлоқ аҳолисининг турмуш шароитларини яхшилаш мақсадида Орол қишлоғи 2022 йил “Обод қишлоқ” Давлат дастурига киритилган бўлиб, ҳудудда жорий йилда кенг кўламли қурилиш ободонлаштириш режалаштирилган.

Туман ҳокими томонидан Халқ депутатлари Данғара туман Кенгашининг 2021 йил 15 декабрдаги сессиясида қилинган “Мурожаатнома”да ҳам бу ҳусусида алоҳида тўхталиб, Орол қишлоғида режалаштирилган ишлар бўйича маълумот бериб ўтилган эди.

Бугун, “Обод қишлоқ” Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижроси учун масъул бўлган корхона, ташкилот ва муассаса раҳбарлари туман ҳокими бошчилигида Орол қишлоғида бўлиб, дастур доирасидаги вазифалар билан боғлиқ ташкилий масалалар мухокама қилинди.

Дастур доирасида Орол қишлоғида жорий йилда қўйидаги ишлар амалга оширилиши кўзда тутилган.

Жумладан, электр-энергия таъминоти барқарорлигини таъминлаш мақсадида қишлоқда 1 дона янги трансформатор пункти ўрнатилиб, 0,2 км узунликда 10 кВ ли ҳамда 2,2 км узунликда 0,4 кВли янги электр узатиш тармоқлари қурилади.

Аҳолининг ичимлик суви таъминотини яхшилаш мақсадида 3,0 км янги ичимлик суви тармоғи тортилиб, мавжуд сув қудуғи ҳамда сув минораси қайта таъмирланади.

Қишлоқдаги 2,1 км ички йўллар асфальтланади.

Бундан ташқари, аҳоли хонадонларини ободонлаштириш, ижтимоий ва майший муаммоларини ҳал этиш бўйича бир қатор вазифалар амалга оширилади.

Шунингдек, туман ҳокими қишлоқ аҳоли билан учрашиб, ҳозирда долзарб бўлиб турган муаммо ва таклифлари билан танишди.

Аҳоли мурожаатларидан келиб чиқиб, қишлоқда амалга ошириладиган қўшимча вазифалар, жумладан, ҳудудда давлат ҳусусий шерикчилиги асосида мактабгача таълим ташкилоти фаолиятини йўлга қўйиш вазифаси белгилаб олинди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook,](#)
2022-02-12 21:21:42